



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 6 октябрь, № 208 (7166)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 октябрь кунли Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини тугилган кун билан самимий муборакбод этиб, мустақкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилади.

Томонлар мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашув ва мулоқотлар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини мамнуният билан қайд этдилар.

Жорий йил 17-18 август кунлари Тожикистон Республикаси Президентининг мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўтказилган самарали музокаралар, уларнинг якуни бўйича эришилган келишув ва имзоланган икки томонлама ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27-28 сентябрь кунлари МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Душанбега амалий ташрифи доирасида ўтказилган учрашув

ва музокаралар натижадорлиги қайд этилди.

Бугунги кунда савдо-иқтисодий алоқалар фаол ривожланмоқда. Ўзаро савдо ҳажми ортиб, турли тармоқларда кооперация, транспорт-коммуникация соҳасидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари фаоллашиб, маданий-гуманитар алмашувлар кенгаймоқда.

Томонлар ҳамкорликни ривожлантириш ва эришилган келишувлар ижросини тўлиқ таъминлашда икки мамлакат ҳукуматлари, вазирилик ва идоралари даражасида мунтазам амалий мулоқотлар муҳимлигини қайд этди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ришталари, ахши қўшничилик ва стратегик шериклик тамойилларига асосланган кўп қиррали ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ижро интизомининг зарур даражада ташкил этилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги «Ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-50117-сонли фармойишига мувофиқ вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг «lrgo.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига (кейинги ўринларда — «lrgo.gov.uz» тизими) улалиши таъминланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси томонидан «lrgo.gov.uz» тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 800 дан ортиқ қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан тест режимида тизимли назорат олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, яратилган шароитларга қарамадан, айрим вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро интизоми назоратини сифатли ва самарали ташкил қилиш, шунингдек, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ханузгача талаб даражасида йўлга қўйилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларига риоя этиш масалаларида масъулиятсизлик ва расмийатчилик ҳолатлари учрамоқда, жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш борасидаги чоралар самарасизлигича қолмоқда, иш юритишнинг ички жараёнларини автоматлаштириш бўйича таъсирчан чоралар қўрилмаяпти, шунингдек, ижро интизомига консерватив-бўйруқбозлик билан ёндашилишига йўл қўйилмоқда.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари ва топшириқларининг ижроси устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки:
Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назорат олиб борувчи, шунингдек, «lrgo.gov.uz» тизими бўйича ишларни мувофиқлаштирувчи масъул давлат органи ҳисобланади;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан жорий йил 8-9 октябрь кунлари расмий ташриф билан Францияда бўлади.

Ташриф давомида давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар, Франция парламенти раҳбарияти, етакчи компаниялари ва молия институтлари вакиллари билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Франция музокаралари кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ва молиявий соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш, турли тармоқларда инвестиция

лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашувларни фаоллаштириш масалалари ўрин олган.

Учрашув ва музокаралар якунида 10 дан ортиқ ҳукуматлараро ва идоралараро, жумладан, иқтисодиёт ва молия, транспорт, туризм, экология, маданият ва санъат соҳаларида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ва

бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти Бош директори Одри Азуле билан учрашади. Унда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги шериклини кенгайтириш истиқболлари муҳокама этилади ҳамда 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинади.

ЎзА.

Франция матбуоти:

«2018 ЙИЛ ДУНЁ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМИ БИЛАН ҚОЛАДИ»

Франция матбуотида юртимиз, унинг тарихи, маданияти ва замонавий тараққиёти ҳақида ҳикоя қилувчи материалларга кенг ўрин берилмоқда.



Хусусан, “France 24” телеканали “Ўзбек дипломатияси”нинг сўнгги вақтда сезиларли даражада фаоллашгани, республика қўшни мамлакатлар, етакчи хориж давлатлари билан алоқаларини мустаҳкамлаб

бораётгани ва бу унинг халқаро майдондаги мавқеи юксалишига хизмат қилаётганини эътироф этди.

“Ўзбекистон раҳбарияти давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини ислох қилишга интиломоқда. Бундан ташқари, хорижликлар учун виза тартиби энгиллаштирилди, миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилаётган”, дейилади телеканалда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Мўйноқда бўлиб ўтган биринчи Электрон мусиқа фестивали ҳам “France 24” эътиборидан четда қолмади. Маданий тадбирнинг Орол денгизининг қуриган ҳудудига ўтказилгани нҳоятда долзарб ушбу экологик ҳалокатга халқаро ҳамжамият эътиборини тортишга туртки беради. “Орол яна тўлмоқда. У оҳанглар уммони билан тўлмоқда, — деб ёзади муҳбирлар. — Шу билан бирга, мазкур муаммонинг салбий оқибатлари аллақачон Ўзбекистон чегарасидан ташқарига ҳамқам бўлиб, дунё ҳамжамиятининг ўзаро келишилган савий-ҳаракатларини талаб қилади”.



“Le Monde” газетаси расмий Тошкентнинг Афғонистон бўйича янгиланган сиёсатини юқори баҳолайди. Ўзбекистон афғон ҳукумати ва “Толибон” ўртасида тўғридан-тўғри тинч музокаралар ўтказилиши тарафдори бўлибгина қолмай, бунинг учун шароит яратиб беришга ҳам тайёрдир. Тошкентнинг ушбу масала борасидаги позицияси дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан

олқишланмоқда ва қўллаб-қувватланяпти.

“Le Monde” ўлкамизда маданият обидаларини асраб-авайлаш, маърифий ислом ғояларини тарғиб қилиш, муқаддас қадамжоларни ободонлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишларни ижобий баҳолайди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Халқаро ислом академиясини ташкил этиш борасидаги ташаббусларига нҳоятда муҳим қарорлар, дея тавсиф берилади.



“Courier International” ҳафталик газетасида таъкидланишича, “2018 йил дунё тарихида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номи билан қолади. Айнан унинг савий-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиё мамлакатлари ўзаро эътирозлар ва ишончсизликни енгиб ўтиб, узоқ йиллардан кейин илк бор Остона шаҳрида минтақавий саммит ўтказишди. Ўзбекистон раҳбари қисқа муддатда барча қўшнилари билан алоқаларни йўлга қўя олди”.

Ўзбекистон — Франция: ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ўзбек — француз муносабатларида янги саҳифа очиши, икки томонлама сиёсий мулоқотларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши ва иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш учун истиқболли йўналишларни белгилаб олиш имкониятини яратиши кутилмоқда.

Аҳамиятлиси шундаки, бу Президентимизнинг ўз лавозимига киришганидан бери Европа қитъасига илк расмий ташрифи ҳисобланади.

Маълумки, Франция — буюк тарих, бой маданий мерос ва чуқур демократик анъаналарга эга бўлган дунёнинг етакчи давлатларидан бири. Халқларимизни боғлаб турган дўстлик ришталари узоқ тарихга эга. Хусусан, илк муносабатлар Ўзбекистон ҳудудидан ўтган Буюк Ипак йўли қарвонлари Европа бўйлаб қатнаган даврларга бориб тақалади. Ўша вақтнинг буюк ҳукмдорлари — Амир Темура ва Карл VI дипломатик алоқалар ўрнатган ҳамда ўзаро мактублар ва

савдо қарвонлари алмашган.

Бу тарихий алоқадорлик ҳозирги кунда Ўзбек — француз муносабатларида алоҳида аҳамият касб этади. 1992 йил январда Франция Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган, унинг озодлиги ва суверенитетини қўллаб-қувватлашни билдирган.

Биринчи Президентимизнинг 1993 ва 1996 йилларда Францияга ташрифи, шунингдек, 1994 йилда Франция Президенти Франсуа Миттераннинг юртимизга келиши олий даражадаги сиёсий мулоқотларни бошлаб берди.



БИЗНЕС ФОРУМИ

Париж, 5 октябрь.
ЎзА махсус муҳбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.

Франция пойтахти Париж шаҳрида Ўзбекистон — Франция бизнес форуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси, МЕДЕФ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда “Bouygues” ва “VINCI” каби йирик компаниялар вакиллари, икки мамлакатнинг масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, мазкур бизнес форуми савдо-иқтисодий, сармоявий соҳадаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Форумда Франциянинг қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, машинасозлик, кимё, қурилиш, озиқ-овқат саноати ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият кўрсатаётган компаниялари вакиллари қатнашди.



ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуасида «Пластмасса ва полимерлар саноати — Plastex Uzbekistan» ҳамда «Қадоқлаш ва босма иши — O'ZuPACK — O'ZBEK in PRINT» анъанавий халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзимёсаноат” акциядорлик жамияти, “Itesa Exhibitions” халқаро кўргазмалар компанияси ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир пластмасса ва полимерлар саноати, босма иши ва қадоқлаш, нашр этиш билан шуғулланувчи, ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб бериувчиларни бир майдонда жамлади.

Халқаро кўргазма



Бу йил кўргазма иштирокчилари сафи аввалги йиллардагидан анча кенгайган бўлиб, унда юртимиздан ташқари, Австрия, Германия, Хиндистон, Эрон, Италия, Қозоғистон, Хитой, Корея Республикаси, АҚШ, Туркия, Франция, Россия, Финляндия, Япония каби мамлакатлардан

та компания қатнашди.



(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЖРО ИНТИЗОМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «lrgov.gov.uz» тизимини доимий асосда техник қўллаб-қувватлаш ва тақомиллаштиришни таъминловчи ишчи орган ҳисобланади; Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари махфийлик белгиси остидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари маълумотлар базасини юритиш ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш учун масъул;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази оммавий ахборот воситаларида вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг ижро этилиши ҳақидаги жамоатчилик фикрини баҳолаб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиnmалари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига ахборот киритиб бориш учун масъулдир.

2. «lrgov.gov.uz» ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ушбу низомга мувофиқ «lrgov.gov.uz» тизимида доимий ишлашнинг ташкил қилинишини таъминласинлар.

3. Белгилансинки:

2019 йил 1 январдан бошлаб республика ва ҳудудлар даражасидаги мажлис ва йиғилишларни ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ўтказиладиган йиғилишлар бундан мустасно, фақатгина «lrgov.gov.uz» тизимидаги мажлислар ва йиғилишлар махсус марказлашган маълумотлар базасига ўтказилаётган тадбирнинг мақсади, натижалари, иштирокчилар таркиби ва давомийлиги кўрсатилган қайдлар киритилганидан сўнг амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тузилмалари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан яқиндан ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларида белгиланган ижро муддатлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президенти рухсати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан қилишылгандан сўнг узайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура билан биргаликда мажлислар ва йиғилишларнинг «lrgov.gov.uz» тизимидаги марказлашган маълумотлар базасида қайд этилганган ҳолда ўтказилишига йўл қўймаслик юзасидан тизимли назоратни амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Бош прокуратурасига:

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУҲБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

ДАРСЛИКЛАР ТАЪМИНОТИ ТАНҚИД ҚИЛИНДИ

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим соҳасида ҳозиргача сақланиб қолйнаётган, ечимини кечиктириб бўлмас муаммолар талайгина. Ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолат депутатлар томонидан назорат-таҳлил тартибида ўрганилганида бу яққол намоён бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида мазкур ўрганиш натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Қайд этилганидек, ўрганилган туманларда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси пастлиги аниқланди. Жумладан, ўтган ўқув йили бошланганига 4 ойдан ошганига қарамадан, ўрганилган барча умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўлиқ таъминланмагани, бошқаларида эса дарсликлар эскириб кетгани туманлар халқ таълими бўлимларининг бу борадаги маълумотлари ошириб кўрсатилганини оқибатида ҳақиқий ҳолатга мос келмаслигини кўрсатди. Масалан, 2018 йил 18 январь ҳолатига, Фарғона вилояти Езёвон туманидаги 36 та умумтаълим мактабида 10-синф бўйича 896 та ҳуқуқ фани дарслиги мавжуд эмас, 8 та умумтаълим мактабида эса 5 — 10-синфлар бўйича жами 200 тага яқин дарсликлар ўқувчиларга умуман етказиб берилмаган. Аксариат ўқувчиларга фақат эски дарсликлар тарқатилган.

Йиғилишда депутатлар бу каби камчиликлар жорий ўқув йилида ҳам кузатилаётганини ачинарли ҳолат сифатида танқид қилди. Жумладан, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тасаруфидати таълим муассасалари таълим ўзбек, рус ва тожик тилларидаги 745079 тўплам дарсликлар билан, яъни ортиқча 63669 тўплам дарсликлар билан таъминланган бўлса-да, 3-синф бўйича дарсликлар 98 фоиз таъминланган. Дарсликлардан фойдаланиш муддатининг 2 йилликдан 3 йилликка ва 4 йилликдан 5 йилликка узайтирилгани натижасида 2021 тўплам дарслик етишмаслиги аниқланди. Вилоятдаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган 68970 нафар ўқувчидан 67484 нафари дарслик билан таъминланган бўлиб, 1486 тўплам дарсликка эҳтиёж мавжуд.

Хоразм вилоятида ҳам 3-синфлар учун

таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда 96, 4 фоиз, қозоқ тилидаги мактабларда — 67, 4-синфлар учун ўзбек мактабларида — 98,8, қозоқ мактабларида — 82, 5-синфлар учун қозоқ тили мактабларида — 68, туркман тилида дарс берадиган мактабларда — 70 фоиз, 11-синфлар учун таълим туркман тилида олиб бориладиган мактабларда дарсликлар билан 86 фоиз қамраб олинган, ҳолос.

Ҳар икки вилоятда жорий ўқув йили бўйича умумтаълим мактаблари учун буюртмалар шакллантирилган бўлса-да, 2 октябрь ҳолатига қўра айрим дарсликлар ҳали етиб келмаган. Умуман олганда, янги ўқув йилининг иккинчи ойи бошланганига қарамадан, республикадаги умумтаълим мактаблари бўйича тиллар ва синфлар кесимида етишмайдиган дарсликлари Халқ таълими вазирлиги томонидан қайта тақсимот ишлари халигача ниҳоясига етказилмаган.

Шунингдек, йиғилишда ўрганилган ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам дарслик ва ўқув адабиётлари, жумладан, умумтаълим фанлар, умумқасбий ва махсус фанлар бўйича янги авлод дарсликлари, ўқув адабиётлари билан таъминланганлик ҳолати талаб даражасида эмаслиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар ва турли соҳа вакиллари дарсликлардан фойдаланиш даврининг узайтирилиши муносабати билан пайдо бўладиган адабиётлар танқислигини йўқотилган ва яроқсиз ҳолга келган дарсликлар учун тўланган жарималар ҳисобидан қўллаб қўриб, қайта нашр ишларини ташкил қилиш зарурлигини алоҳида қайд этдилар. Дарсликлари умумтаълим мактабларига ўз вақтида етказиб бериш, фойдаланиш муддати тугаган дарсликлари таълим муассасаларидан олиб қичиб кетиш ва утилизация қилишнинг қатъий назорат тизимини яратиш каби муҳим масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, соҳага оид ҳуқуқий базани зamon талаблари асосида тақомиллаштириш ҳам чуқур муҳокама этилди.

Яқунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Зиёда АШУРОВА.

Ўрганишларда ҳақиқий аҳвол ойдинлашди

Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳининг Наманган вилояти Уйчи, Чортоқ ва Тўрақўрғон туманларидаги фаолияти натижасида қатор камчиликлар аниқланди. Уларнинг аксариятга жойларнинг ўзида ечим топилган бўлса, халқ депутатлари туман Кенгашларининг сессиясида комиссия рўйхатга олган бошқа муаммоларни ҳал этиш юзасидан

Маҳаллий Кенгашларда

Масалан, Чортоқ туманидаги ўрганишлар чоғида 7 минг 916 та камчилик ва муаммо аниқланди. Таълим, жисмоний тарбия, маданият соҳаларида, жойларда аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш борасида вужудга келган бу масалаларнинг аксарияти йиллар давомида тўпланиб қолган. Маҳаллий ҳокимият, бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан эса уларга етарли эътибор берилмагани оқибатида муаммолар тобора жиддийлашиб бораётир. Ишчи гуруҳи аъзоларини, айниқса, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларда натижадорлик йўқлиги ташвишга солди.

Меҳнат ярмаркалари номигагина

ўтказилаётир. Кишлоқларда саноатлашган ишлаб чиқаришни жойлаштириш омилдан етарли фойдаланилмапти. Ёшларни кичик бизнес субъектларига жалб этиш, уларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга эътибор сустлигидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг маълум қисми ишсиз юрибди. Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятидаги ўзгаришлар кишини қониқтирмайди. Бунга аниқланган муаммоларнинг 221 таси тиббиёт соҳасига тегишли эканлиги ҳам исботлайди.

Туманда аҳоли тураржойлари ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларини жорий куз-қиш мавсумига тайёрлаш аҳоли ҳам қониқарсиз. Бу борадаги

ишлар эндигина 14,6 фоиз бажарилган, ҳолос. Айниқса, кўп қаватли уйлар таъмиридаги сусткашлик аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти. Мазкур йўналишда жорий йил учун ишлаб чиқилган дастурий молиялаштиришга 293 миллион сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган бўлса-да, амалда унинг 60 фоизига етадиган кредит маблағи ажратилганини қандай тушуниш мумкин?

Сессияда маҳаллий Кенгаш депутатлари ва тўртта сектор раҳбарлари зиммасига аниқланган муаммоларни бартараф этиш, халқнинг ичига янада чуқурроқ кириб бориш, одамларнинг ҳаётдан розилигига эришиш йўлидаги амалий ишларни қучайтириш бош вазифа сифатида юклатилди.

Тўрақўрғон туманида ҳам жиддий муаммолар тўпланиб қолгани аҳоли хонадонлари, ижтимоий муассасаларга таширф ва фуқаролар билан изом-юз мулоқотлар чоғида маълум бўлди. Бу, жумладан, ишчи гуруҳи томонидан 68 та маҳаллада уйма-уй юрилган пайтда аниқланган 6368 та муаммоли масалада яққол кўринади. Инсон муносиб турмуш кенириши учун қулай тураржой,

коммунал воситалар, масалан, кафолатланган газ ва ичимлик суви зарур. Бироқ ўрганишлар жараёнида ўртага қўйилган масалаларнинг 2 минг 749 таси табиий газ, 911 таси ичимлик суви таъминотига боғлиқлиги айни йўналишдаги юмушларнинг ҳақиқий аҳволдан дарак беради.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини зamon талаблари даражасига кўтариш учун ҳали кўп иш қилиниши зарур. Хусусан, чекка кишлоқлардаги врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалари диагностика ва даволаш ускуналари, малакали мутахассислар билан таъминлаш долзарблигича қолмоқда. Қатағон маҳалласидаги 30-оилавий поликлиниканинг биноси тор, хоналар етишмайди, Янгибод, Ҳўжанд, Гулқишлоқ врачлик пунктлари таъмирталаб ахволда.

Сессияда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Қудратилла НАҲМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига (Низомиддинов), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида ижро интизомини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларининг амалга оширилишида қўмаклашиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига (Муродов) — вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари самарали ижро этилиши юзасидан тегишли прокурор назорати таъминланиши, шунингдек, уларни тўлиқ бўлмаган ҳолда ва кечиктириб бажарган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўрилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисига (Икромов) — вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда ижро интизомини тегишли даражада таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига (Содиқов) — «lrgov.gov.uz» тизими ва «Jamoatfikri.uz» порталининг тақомиллаштирилиши, узлуқсиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий асосда чоралар қўриб борилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирига (Давлетов) — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида топшириқлар ижросининг аниқ муддатлари белгиланиши, шунингдек, уларнинг аниқ ва равшан баён қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш учун;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек, уларнинг ижро ҳолати тўғрисидаги маълумотлар «lrgov.gov.uz» тизими орқали тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаририш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М. М. Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 октябрь



Таъкидлаш жоизки, қишнинг қорли кунларида Қамчиқ довоидаги тирбандликлар, оворагариликлар, ортиқча вақт йўқотишлар тадбиркорларнинг ишида қўллаб-қўйлашларни келтириб чиқарди. Мазкур экспресс контейнер юк поезди айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида йўлга қўйилди.

Платформага контейнерларни ортиш ва тушириш жараёнида темир йўл ташкилоти томонидан амалга оширилди. Унинг харажатлари ҳар бир контейнер учун тўланадиган умумий тўлов ҳисоби (1 млн. сўм)га қиритилган. Таққослаш учун, бугунги кунда тадбиркор бошқа транспорт воситасида Тошкентдан Андижонгача олиб борадиган юки учун 1,5-2 млн. сўм атрофида маблағ сарфлайди. Шуларни инобатга оладиган бўлсак,

ушбу экспресс контейнер юк поезди нафақат бизнес вакиллариға, балки мазкур йўналишда контейнерда юк жўнатиш истагида бўлган оддий фуқаролар учун ҳам жуда катта қулайликдир. Мутахассисларнинг айтишича, поезд мазкур йўналишда ҳафтада 2 марта ҳаракатланади. Буюртмалар ортишига қараб, улар сонини қўлайтириш, шунингдек, республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам бундай поездлар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Маълумот учун айтиб ўтамиз, Ўзбекистонда юк ташувларнинг 60 фоиздан зиёди ушбу транспорт улушига тўғри келади.

Дилшод УЛУҒМУРОВОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ:

ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА



Охирги икки йил олий ва юқори даражадаги алоқалар сезиларли равишда фаоллашди. Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон ўзаро муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини намоён этиб, жорий йил октябрда Парижда яккама-якка учрашув ўтказишга келишиб олди.

Ўзбекистон томонидан қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича қўйилаётган дадил қадамларни Франция раҳбарияти қўллаб-қувватлади. Мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами муносабати билан мамлакатимиз раҳбари номига йўлланган табригиде Эммануэль Макрон республикамизнинг Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ҳиссасини алоҳида қайд этиб ўтди.

Ҳамкорликни ривожлантиришга ҳар томонлама қўмаклашиш ва икки халқ ўртасидаги ҳамжиҳатлик руҳини оширишга қаратилган парламентларо алоқалар изчиллик касб этди. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида Франция Сенати ва Миллий ассамблеяси билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича пар-

ламентларо гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, француз парламентининг ҳар икки палатасида “Франция — Марказий Осиё” парламентларо гуруҳи иш юритади.

Француз сенаторлари — “Франция — Марказий Осиё” парламентларо гуруҳи раҳбари И. Поззо Ди Борго ва Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси аъзоси А. Ришарнинг 2016 йил 4 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқро кузатувчи сифатида қатнашиши ўзаро ишонч ва демократик тамойилларга содиқликнинг юксак даражасига ёрқин мисол бўлди.

Икки давлат қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларнинг муҳим йўналиши Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Франция Ҳуқуқлар ҳимоячиси ҳамкорлигидир.

Сўнгги икки йил ичида Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳукуматлар даражасидаги алоқалар ҳам анча кучайди. Энг муҳим давлат органлари вакилларидан таркиб топган делегацияларнинг фаол аламинини амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда

Ўзбекистон ва Франция ташқи ишлар вазирлари икки томонлама муносабатлар, шунингдек, халқро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан бир неча бор фикр алмашди.

Йилда бир марта вазирликларо сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш механизми ишлаб турибди.

Жорий йил ҳам ҳукумат аъзолари, ҳудудлар раҳбарлари ва парламент аъзолари бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияларининг Францияга қўллаб-сафарлари амалга оширилди. Бундан асосий мақсад ҳуқуқий демократик давлат куриш, миллий иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш борасида француз тажрибасини ўрганиш бўлди.

Турли даражаларда олиб борилаётган самарали мулоқотлар ҳозирги пайтга келиб икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базаси ҳосил бўлишига ёрдам берди. Бу асос 33 та, жумладан, давлатларо ва ҳукуматларо миқёсдаги 23 та ҳужжатдан ташкил топти.

Қўйлаётган олий даражадаги ташиф, томонларнинг, хусусан,

турли қўшма лойиҳаларни рўй-ба-ча чиқаришни кўзда тутувчи 12 та янги битим имзолаш бўйича режаларини инobatта олганда, шартномалар портфелини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратди.

Франция Президенти Эммануэль Макроннинг Ўзбекистон мустақиллигининг 27 йиллик байрами муносабати билан йўлланган табригиде қайд этилганидек, “...жорий йилда сиёсий мулоқотимиз янада мустаҳкамланади. Париж шаҳрига бўлажак расмий ташифнингиз давомида Сиз билан учрашувимизни катта мамнуният билан кутялман”.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон ва Франция етакчиларининг сиёсий иродаси ҳамда икки мамлакат ўртасидаги аънанавий дўстлик алоқаларини ривожлантириш истаги ўзбек ва француз халқларининг тараққиёти, фаровонлиги йўлидаги кенг қўламли ҳамда самарали ҳамкорликни янада ривожлантириш учун заминдир.

Норрис САИДАЛИЕВА, «Дунё» АА.

Франция матбуоти: «2018 йил дунё тарихида ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМИ БИЛАН ҚОЛАДИ»



Мамлакат ички ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Шавкат Мирзиёев бошлаган ислохотлар кузатувчилар томонидан либераллашув, қайта фикрлаш ва илиқлик сингари тушунчалар билан эътироф этилмоқда. Ўшбу жараёнда республика ички барқарорлиқни сақлаб қолаётгани эътиборга моликдир. “Тадбиркорларга валютадаги даромадларни топширмасликка руҳсат берилди. Қўллаб-человлар бекор қилинди... Пахта далалари майдони қамайиб, уларнинг ўрнига озик-овқат экинлари экилмоқда. Бизнес учун янги имкониятлар очилаётир”, деб ёзади журналистлар.

ҳақида катта репортаж чоп этилди.

Шаҳар бўйлаб саёҳатни унинг бозорларидан бошла-



ган маъқул, дейди муҳбирлар. Масалан, Чорсу бозори ўзбек маданиятини тушуниш ва унга “сингил кетиш” имконини беради.

“Чорсуда маҳаллий урф-одат ва аъналар хилмаҳиллигини кўриш мумкин. Умуман олганда, ўзбекона бозор шундай жойки, бу ерда сизнинг ҳис-туйғуларингиз ҳаракатга айланиб, кўзингизга тушган ҳамма нарсани сотиб олишни истайсиз”, дейилади “Skyscanner”да.

Тошкент музейлари ўзига хос тарихга эга. Уларнинг ҳар бири ўлка ўтишиши ҳақида сўзлайди. Масалан, Ўзбекистон тарихи Давлат музейида бўлсангиз, ўзбек заманида илк одамлар пайдо бўлган даврларга “саёҳат” қилишингиз мумкин. Тўрт қаватдан иборат масканда экспонатлар жуда ноёблиги билан машҳур.

“Тошкент сайёҳларни ўзининг бекиёс муҳити, уй-жой ва транспортнинг арзон нархлари, мазали таомлари, гўзал метрополитени ва кенг боғлари билан оҳанрабодек тортди. Агар ҳали бу ерда бўлмаган бўлсангиз, албатта, “Тошкентга бординг! Афсус қилмайсиз!”, дея ўқувчиларга мурожаат этади “Skyscanner”.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

БИЗНЕС ФОРУМИ



Кейинги йилларда мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, юртимиздаги қулай сармоёвий муҳит Франция ишбилармон доираларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Форумда франциялик ишбилармонларга юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, сармоё киритиш истиқболлари тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Франция ишбилармонлари ўртасида қўллаб-соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ва уларнинг ижроси ҳақида сўз юритилди.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги товар айланишнинг камиди икки баробар ошириш имконияти маъжуд. Мазкур жараёни янада жадаллаштиришнинг самарали усули ишбилармонлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда қўшма тадбирларни амалга оширишдир.

— Бугун Ўзбекистондан келдим, — деди “Opang group” компанияси ҳудудий директори Фергал Голдинг. — Мамлакатингизда ўтган аҳборот технологиялари ҳафталигида иштирок этдик. Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Бунда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан мазкур соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар роли юқори бўлаётганини қайд этиш лозим. Ташифимиз давомида аҳборот технологиялари соҳасидаги манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан музокара олиб бордик. Уйлайманки, ўшбу бизнес форуми ҳам икки томон учун бирдек фойдали бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда франциялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 16 корхона фаолият юритаётир. Кейинги йилларда Ўзбекистон — Франция муносабатларида янгича суръат кузатилмоқда. Жорий йилда икки мамлакат ўртасида уч марта юқори даражада делегациялар ташифи амалга оширилди.

Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар юқори босқичга кўтарилди. 2017 йил якунлари бўйича ўзаро товар айланиш 251,6 миллион АҚШ доллари етди. Жорий йилнинг январь — август ойларида бу кўрсаткич 195,1 миллион долларни ташкил қилди. Бунда фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, тўқимачилик, кимё маҳсулотлари, парфюмерия ва косметика, транспорт, механика воситалари каби мамлакат иқтисодий тараққиёти билан белгиланган соҳалар муҳим ўрин тутди.

Форум доирасида “Ўзбекэнерго”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзшаробсанот”, “Ўзфармасанот” каби мамлакатимизнинг йил-иқтисодий бўлиқлари Франциянинг 100 га яқин йиллик ишлаб чиқариш, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан музокаралар олиб борди.

Иштирокчилар турли соҳаларда манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболларини муҳокама қилди. Янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, жумладан, уларнинг асосий параметрлари ва молиялаштириш манбалари кўриб чиқилди.

Ў.А.

Луврда Ўзбекистонга бағишлаб уюштирилаётган кўргазма қўтилмаган, барчани ҳайратга соладиган бўлади

Яқинда мамлакатимизда Лувр музейининг ислом санъати бўлими директори Яник Линц бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди. Бундан қўзланган мақсад — 2021 йилда Луврда бўлиб ўтадиган “Илақ йўлидаги цивилизация ва маданиятлар” кўргазмаси учун Ўзбекистон музейларидан танланган экспонатлар бўйича мутахассислар фикрини ўрганишдан иборат эди.

Мерос

Шу ўринда, мазкур санъат қононаси ҳақида қисқача маълумот берсак. Лувр — дунёдаги энг машҳур музейлардан бири. У Париж шаҳри маркази, Сена дарёсининг ўнг қирғоғи, Риволи қўчасида жойлашган. Мажмуа ҳудуди Людовик XIVнинг отлик ҳайкали турган жойдан бошланади. Музей биноси қадимий қирол саройидир.


Ислом санъати бўлими 2015 йилда очилган. Бу йўналишдаги экспонатлар Луврнинг уч минг квадрат метрдан иборат Висконти залига жойлаштирилади.

Бой мероснинг тўлалигича оммага қизиқарли ва тушунарли бўлиши учун янги майдон хронологик тарзда тўрт қисмга бўлинган. Ҳар бир экспонат остига қисқа сатрларда изоҳ берилган.

Музей эгаллаган майдон бўйича жаҳондаги ана шундай масканлар орасида учинчи ўринда туради. Унинг майдони бир юз олти миң квадрат метрни ташкил этади. Дунёда энг кўп зиёратчи ташиф буюрадиган мажмуа ҳам шундир. Уни йилига саккиз миллион беш юз минг нафар киши зиёрат қилади.

— 2021 йил Луврда Ўзбекистонга бағишлаб ташкил этиладиган кўргазма қўтилмаган, барчани чексиз ҳай-

ратга соладиган бўлади, — дейди Лувр музейининг ислом санъати бўлими директори Яник Линц. — Чўнки юртингизнинг бой маданий мероси нафақат францияликларда, балки музейимизга ташиф буюрадиган миллионлаб сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Сафаримиз давомида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтини, “Афросиёб” Самарқанд шаҳар тарихи музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Мўйи Муборак мадрасаси ва Ўзбекистоннинг бошқа музейларини бориб кўрдик. Исламшунослик яқунлари бўйича саралаб олинган ҳар бир экспонат бўйича ҳулоса берилиб, кўргазма учун ягона рўйхат шакллантирилди.



Уйлайманки, бу кўргазма икки давлат ўртасидаги маданий муносабатлар ривожига муҳим ўрин эгаллайди. Айни пайтда Лувр билан биргаликда Ўзбекистонда музей экспонатларининг консервацияси ва реставрацияси бўйича мобил лаборатория яратиш, шунингдек, “Экол де Лувр” мак-

таби билан биргаликда музей мутахассислари ва санъатшунослари маалакасини ошириш бўйича бир неча маъруза ҳамда амали семинарлар ташкиллаштириш устида ишлар олиб борилапти.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Эксклюзив интервью

ПАРИЖДА ЯНГИРАЛАН МИЛЛИЙ НАВОЛАР



франциялик санъат ихлосмандларини мафтун этди

хорижликларнинг ҳам сел бўлиб тинглашида яққол намоён бўлади.

Яқинда Францияда катта концерт дастурини намойиш этиб қайтган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Юлдуз Турдиева ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан, бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирди.

— Миллий мусиқа ва мақомларимиз замирида инсонни эзгуликка қорлайди-ди, унинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч бор. Шунинг учун уларни ўзбек тилини тушунамаган инсон ҳам жон қўлоғи билан эшитида, олқийлайди, ардоқлайди.

Францияда худди ана шу ҳолатга гувоҳ бўлдик. Парижда санъат ихлосмандлари бизни жуда илиқ қутиб олди. Қўҳна шаҳардаги муҳташам “Де ла Виль” театрида ўтказган концертимиз миллий меросимиз ихлосмандларининг жўшқин қўллаб-қувватлови, ашула ва рақслар жилосининг қалбларга кўчгани билан

ўзига хослик касб этди. Дугоҳ мақомидан, Бухоро мавригиларидан, халқ лапарларидан қўйладик, дугтор, танбур, ғижжак, доира садолари янгради. Концертимиз тугагач, сахнадан чиқиб кетар эканмиз, “Тасанно”, “Офарин”, деган олқишлар тинмади... Шу ўринда “қўҳна кутъа”да катта концерт дастурини ташкил этишда яқиндан ёрдам берган мусиқашунос олима Соудабех Киа хонимга катта миннатдорлик билдирамыз.

Биз, хонандаларнинг ҳар бир ютуғи мамлакатимизда санъат аҳлига қўрсатилаётган ғамхўрлик, яратиб берилаётган қулай шароитлар меваси, деб биламан. Айниқса, миллий мақом ривожига Президентимиз алоҳида эътибор қаратаётгани, юртимизда халқро санъат анжуманлари ўтказилаётгани мусиқий дурдоналаримиз довуғининг оламга кенг ёйилишига хизмат қилапти.

Дилшод КАРИМОВ ёзиб олди.

ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРДА ЯНГИ САҲИФА

Франция иқтисодиёти, маданияти, илм-фани ривожланган, икки юз йилдан ортиқ демократик тараққиёт тажрибасига эга, айни чоғда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми бўйича дунёда етакчи давлатлардан бири саналади.

Депутат фикри

Мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми салкам 3 триллион, ЯИМни киши бошига тақсимлаганда эса қарийб 45 минг долларни ташкил этади. Хорижий мамлакатларга сармоё киритиш ҳажми бўйича ҳам пешқадамлар сатҳида бўлиб, ўшбу кўрсаткич бўйича дунёда АҚШдан сўнг иккинчи ўринда туради. Чўноқчи, биргина 2014 йилда Франция компаниялари томонидан чет давлатларга салкам 250 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция йўналтирилган. Жаҳондаги энг йилги 500 компаниянинг 39 таси француз компаниялари ҳисобланади.

Ўшбу рақамлар ортидаги юқори иқтисодий салоҳият Францияга халқро майдонда муҳим ўрин эгаллашига имкон бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эриш-

гач, биринчилардан бўлиб уни тан олган давлатлардан бири ҳам Франциядир. Давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 1 мартда ўрнатилган. 1992 йилнинг июнидан Франциянинг Ўзбекистонда, 1995 йил март ойидан эътиборан эса Ўзбекистоннинг Францияда элчихонаси фаолият бошлаган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг фаоллашувида парламентларо ҳамкорлик ҳам алоҳида ўрин тутди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Франция” дўстлик гуруҳи фаолият олиб борапти. Франция парламенти вакиллари мамлакатимизда ўтказиладиган халқро анжуманларнинг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Қолаверса, Олий Мажлис вакиллари ҳам Францияда бўла-

диган халқро тадбир ва икки томонлама учрашувларда мунтазам қатнашади.

Юртимизда Франциянинг дунёдаги ўрни ва роли юқори баҳоланади. Давлатларимиз ўртасида, айниқса, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, илмий-гуманитар соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, бундан икки томон ҳам манфаатдордир.

Франция Ўзбекистон Республикасининг Европа иттифоқидаги энг муҳим шерикларидан бири саналади. 2017 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айланиш ҳажми 251,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич сўнгги икки йилда сезиларли даражада ошган бўлса-да, ҳали маъжуд имкониятлардан анча пастдир.

Бугунги кунда “Эйрбас”, “Текнип”, “Обертюр”, “Талес”, “Сериннов”, “Комау Франс” каби ўнлаб француз компаниялари Ўзбекистонда турли савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Икки томонлама муносабатлар маданий, илмий-маърифий ва бошқа

қўллаб-соҳаларда ҳам жадал ривожланаётир. Айниқса, юртимизга энг кўп сайёҳ айнан Франциядан ташиф буюраётгани эътиборга молик.

Ўзбекистон — Франция муносабатларидаги муштаракликни мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч тобора ортиб бораётганида кўриш мумкин. Давлатларимизнинг қўлғина муҳим аҳамиятга эга бўлган муаммоларни ҳал қилиш борасидаги позицияси ҳам бир-бирига ақин. Икки мамлакатнинг халқро сиёсий майдонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан билдираётган муносабати, низоларни тинч йўл билан ҳал этишга бўлган иштилоши бунга яққол далилдир.

Умуман айтганда, Ўзбекистон — Франция алоқалари бундан кейин ҳам янада янги босқичда ривожланади.

Феруза ЭШМАТОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади.

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА:

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 01.04.04 — Физик электроника
- 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси
- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар
- 02.00.14 — Органик моддалар технологияси ва улар асосидаги материаллар
- 04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш
- 04.00.09 — Маркшейдерия
- 04.00.10 — Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)
- 04.00.11 — Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси
- 05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
- 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
- 05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)
- 05.05.01 — Энергетика тизимлари ва мажмуалари
- 05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар
- 05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси ёки олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида битта мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар;
- илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар ихтисослик ва чет тили бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар.

ДОКТОРАНТУРА:

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси
- 05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис) ҳамда уларнинг нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Докторантурада ўқиш учун қираётган талабгорлар ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 01.04.04 — Физик электроника
- 01.04.05 — Оптика
- 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси
- 01.04.11 — Лазер физикаси
- 02.00.06 — Юқори молекуляр бирикмалар
- 03.00.12 — Биотехнология
- 04.00.07 — Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш
- 04.00.09 — Маркшейдерия
- 04.00.10 — Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)
- 04.00.11 — Қудуқларни бурғилаш ва ўзлаштириш технологияси
- 05.01.06 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
- 05.02.01 — Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металллар металлургияси

- 05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари
- 05.03.01 — Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)
- 05.05.01 — Энергетика тизимлари ва мажмуалари
- 05.05.02 — Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар
- 05.05.04 — Саноат иссиқлик энергетикаси
- 05.05.06 — Қайта тикланадиган энергия турлари асосидаги энергия қурилмалари
- 08.00.03 — Саноат иқтисодиёти
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёхуд хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- иш жойидан тавсифнома;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 4 та фотосурат.

Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2018 йил 30 ноябргача бўлган мuddатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Қўшимча маълумотларни 71-227-19-47 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Университетлар кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат техника университети, Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

1➔

Жумладан, Хитойнинг “Jing Hong” пластмасса маҳсулотлариға қолип ишлаб чиқарувчи корхонаси бу йил кўргазмада илк бор иштирок этди.

— Корхонамизда пластмассадан автомобиль эҳтиёт қисмлари, турли

ҳажмдаги қувурлар, уй жиҳозлари ва стол-стуллар, рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган қолиплар тайёрланади, — дейди ушбу корхона бош директори Лео Ванг. — Хитойда ўз нуфузига эга бўлган компаниямиз маҳсулотларини эндиликда экспорт қилишга интиляпмиз. Мазкур кўргазма биз учун янги бозорларға кириб боришға имконият яратади. Қадқоқлаш ва босма иши билан шуғулланувчи компаниялар маҳсулотлари ҳам кўпчиликнинг қизиқишини ўзига тортди. Йиғилганлар замонавий ускуналарнинг ишлаш техникаси ва уларнинг афзалликларига гувоҳ бўлмоқдалар. Ма-

салан, “Line O Matic Graphic Industries” (Хиндистон), “Guangdong Constant Precision Machinery” (Хитой), “Zhejiang Horda Machinery” (Хитой), “UFLEX Limited” (Хиндистон) каби етакчи хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг қозғо кесиш, инъекцияли қуйиш машиналари, флексбосма учун автомат ускунаси, китоб корпусини тайёрлаш автоматик қурилмаси, бабинали-кесиш технологиялари бежиримлиги, ишлаш тезлиги ва самарадорлиги билан ажралиб туради. Кўргазмада хорижий компаниялар қаторида “Polimaks”, “Uzpolitex Holding”, “Routax savdo group”, “Tezgor matbaa” каби маҳаллий бозор вакиллари ҳам фаол қатнашди.

Шунингдек, тадбирда озик-овқат ва ичимликлар, ноозиқ-овқат товарлари, косметика ва дори воситалари, қурилиш моллари ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини намойиш этди.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» ҳарбийлар ҳузурда

Ватанпарварлик мавзуида самимий суҳбат

Кейинги йилларда тахририятимиз ижодкорларининг газетхонлар билан учрашувлар ўтказиши анъанага айланди. Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида ташкил этилган ана шундай тадбирда журналистлар ва ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро мулоқоти жуда самимий кечди. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар суҳбатнинг асосий мавзусига айланди.

Мулоқотлар давомида ҳарбий хизматчилар ҳар икала газетда берилаётган турли мавзулардаги мақолалар кўпчилигининг эътиборини тортаётгани, эътироф этилаётганини таъкидладилар. Шунингдек, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича ҳам фикр билдирдилар. Жумладан, сержант Уктамон Бозорбоев Қуролли Қучларимиздаги янгиланишларни мунтазам равишда ёритиб бориш тақлифини билдирган бўлса, капитан Жонибек Бобоев ҳалқимизнинг тарихий қаҳрамонлари ва уларнинг дунё-

ни ҳайратга солган жасоратлари ҳақидаги мақолаларни ўқиш истагиди эканлигини айтди.



— «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб бораман, — дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи Махпирли Нишонов. — Айниқса, ҳудудлардаги муаммоларнинг ҳолиси ҳамда рўй-рост ёритилаётгани жамиятимиз тартиқотиға хизмат қилади, деб ўйлайман. Қолаверса, ушбу нашрлар

орқали нафақат давлатимиз, балки жаҳон миқёсидаги энг сўнгги янгиланган боҳабар бўлиб боришимиз биз, ҳарбийларнинг сиёсий ва маърифий билимимиз ҳамда дунёқарашимизни янада оширишга хизмат қилади. Шунингдек, тадбир қатнашчилар газеталар саҳифаларида ҳарбийларнинг ҳаёти, уларнинг хизмат фаолияти ва оилавий шароитига оид мавзуларни қамраб олган мақолаларга ҳам кенг ўрин берилиши мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтдилар.

Тахририят ижодий жамоасининг газетхонлар билан учрашувлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

Самиржон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОВЕВ олган сурат.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 186 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71 233-52-55;
Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.



«ELXOLDING»

ЮК ТАШУВЧИ
МОТОЦИКЛАР

ТЎЛОВ ШАКЛИ —
ТУРЛИЧА
ВА КРЕДИТГА.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси жамоаси диний идора тизимида кўп йиллар хизмат қилган таниқли уламо, фахрий имом Абдураззоқ ҳожи ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳуқуқ таъзия изҳор этади.



Тел.: (+99893) 330-50-00,
(+99871) 239-12-54.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Тахририятга келган қўлашмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Тошпирилди — 02.35 1 2 3 4 5 6